# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

№ ____

Тошкент ш. "__" _____ 20__ й.

"_____" МЧЖ (СТИР _____), кейинги ўринларда "Буюртмачи", номидан устав асосида иш юритувчи директор _____, бир томондан, ва _____ (СТИР _____), кейинги ўринларда "Ижрочи", номидан _____ асосида иш юритувчи _____, иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ижрочи Буюртмачининг топшириғига биноан _____ хизматларини кўрсатиш, Буюртмачи эса уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

## 2. ХИЗМАТ ҚИЙМАТИ

2.1. Хизмат қиймати ойига _____ сўм (ҚҚС билан/ҚҚССиз). 2.2. Тўлов бажарилган ишлар далолатномаси ва ЭСФ имзолангандан кейин 10 банк куни ичида.

## 3. ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ

3.1. Ҳар ой якунида Ижрочи бажарилган ишлар далолатномасини тақдим этади; Буюртмачи 5 иш куни ичида имзолайди ёки асосланган рад жавобини беради.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда томонлар "Хўжалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун ва Фуқаролик кодексига мувофиқ жавобгар бўлади. Тўлов кечиктирилганда кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50% идан кўп бўлмаган пеня тўланади. Мажбурият бажарилмаганда — бажарилмаган қисм қийматининг 0,5% миқдорида, лекин 50% дан кўп бўлмаган пеня.

## ФОРС-МАЖОР

Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (табиий офат, уруш, давлат органларининг қарорлари) мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қилса, томонлар жавобгарликдан озод этилади; бу ҳақда 5 кун ичида ёзма хабар берилади.

## НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

Низолар музокаралар ёъли билан, претензия тартибида (жавоб муддати — 15 кун), келишувга эришилмаса — иқтисодий судда ҳал этилади.

## ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Шартнома имзоланган кундан кучга киради ва "__" _____ 20__ йилгача (мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунча) амал қилади. Шартнома Дидох орқали электрон рақамли имзо билан имзоланган бўлса, қоғоз нусха билан тенг кучга эга. Ўзгартиришлар қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

## ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

| **Буюртмачи** | **Ижрочи** |
|---|---|
| | |

Номи, манзили, СТИР, ҳ/р, банк, МФО, ҚҚС тўловчи коди, телефон — ҳар бир томон бўйича.

Буюртмачи: _____ М.О. Ижрочи: _____ М.О.